



БИОЛОГИК АЖРАЛМАЛАРНИНГ СУД ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ

Ахмедов Т.Ж

Кодиров М.М

1Тошкент давлат стоматология институти, Тошкент, Ўзбекистон

1Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази, Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация: Суд тиббий экспертиза жараёнида кенг тарқалган текширув усулларидан бири бўлиб, серологик текширув усуллари ҳисобланади. Ўз навбатида қотиллик ва номусга тажовуз қилиш жиноят ишларида далилларга асосланган тиббиёт текширув усуллари натижалари фойдаланилади.

Калит сўзлар: Суд биологик экспертиза, ашёвий далил, қон, сперма.

Биологик келиб чиқишга эга бўлган ажралмалар доғларининг текширувлари ҳар хил объектларда суд тиббий экспертизаси ўтказилади. Биологик келиб чиқишга эга бўлган доғлар ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, доғлар сезиларсиз ва вақт ўтиши билан ўз хусусиятларини йўқотиши мумкин. Атроф муҳитнинг ташқи таъсирлари улар чириш ва бошқа деструктив ўзгаришларга учраши натижасида, ўзининг қатор индивидуал хусусиятларини йўқотади. Бундан ташқари жиноятчилар воқеа содир бўлган жойда жиноят изларини йўқотишга ҳаракат қиладилар.

Биологик хусусиятли ҳамма доғлар текширувлари суд – биологик ёки суд тиббий экспертиза текширув натижалари ҳисобланади. Шунинг учун кўпчилик ҳолатларда, экспертлик текширувлар табиий омиллар таъсирига қарамасдан эксперт асосий ва муҳим вазифалардан бири бўлиб, гумонланувчи шахс орасида жиноятчиликнинг жиноят излари ишончли далилларини аниқлаш ҳисобланади. Молекуляр биология ва ген инженерияси соҳасида чуқур илмий изланишлар натижасида текширувларининг такомиллашиши, наслий белгилар молекуляр асослари ва биология ҳамда генетиканинг янги имкониятларни очишда кескин бурилишлар яратилди. Бу суд биология соҳасида ҳам юқори технологик текширувлар ўтказиш, ашёвий далилларда биологик келиб чиқишга эга бўлган доғлар антигенларини суд тиббий экспертизаларини ўтказиб, шахс идентификациясини аниқлаш, асосан инсон биологик ажралмалар доғларини текширишда суд тиббий экспертлар фаолиятида қатор текширувлари самарадорлигини ошириш имкони туғилди.

Қотиллик ва номусига тажовуз қилиш каби жиноятларда ҳар доим биологик хусусиятли объектлар аниқланади. Биологик текширув объектлари ҳар хиллиги провардида серологик, цитологик, генетик замонавий текширув усуллари орқали суд тиббий эксперт биологлар томонидан кўпчилик саволлар ўз ечимини топади.



Ҳозирги вақтларда суд тиббий экспертиза жараёнида кенг тарқалган текширув усулларида бири бўлиб, серологик текширув усуллари ҳисобланади. Ўз навбатида қотиллик ва номусига тажовуз қилиш жиноят ишларида шу каби ҳақиқий аниқланган текширув усуллари натижалари фойдаланилади. Бироқ суд тиббий экспертиза жараёнида серологик текширув усуллари қўллаш жиноят ишларини очишда муаммоли тус олади.

Ашёвий далиллар суд тиббий экспертизаси амалиётида, асосий муаммолардан бири бўлиб, текширув усуллари имкониятлари чекланганлиги ҳисобланади. Анъанавий фойдаланилаётган текширув усулларига боғлиқ равишда зардобларнинг сезувчанлиги паст, носпецифик ёки унга буюм ташувчи таъсир қилиши мумкин. Натижада ажралмаларнинг антигенининг тур ва гуруҳий мансублиги ишончли тарзда аниқланмаслигига олиб келади. Бундан ташқари охириги пайтларда ҳаттоки, янги қон, ажралмалар ва соч наъмуналарида ҳам АВО тизими антигенлари аниқланмаслик ҳолатлари учраб турибди. Адабиётлардан маълумки, айрим патологик ҳолатларда қон наъмуналарида ҳам гуруҳий мансублигини аниқлаш имкони бўлмайди. Қон ва биологик ажралмалар экспертизасида имкон даражада гуруҳий мансублиги ҳақида маълумотлар бериш талаб этилади.

Қотиллик, тан жароҳатлари етказиш, номусга тегиш, криминал аборт, йўл-транспорт ҳодисаси ва бошқа ҳолатларда ҳар доим қон суд-тиббий экспертизаси ўтказилади. Шунинг учун қон жабрланувчи танасида, кийимларида, жиноят қуроли ва бошқа предметларда бўлиши мумкин. Шунингдек, жабрланувчининг қони жиноятчининг танасида ва кийимида бўлиши мумкин.

Ашёвий далилларда қон доғларини текшириш экспертизасида биринчи ҳал қилинадиган саволлардан бири бўлиб, доғларда қон мавжудлигини аниқлаш ҳисобланади. Агар ашёвий далилларда қон мавжуд бўлмаса, табиийки, эксперт қарорда келтирилган кейинги саволларга, масалан, қоннинг тур ва гуруҳий мансублигини аниқлаш каби саволларга жавоб беришига ҳожат ҳам қолмайди. Ашёвий далилларда қон суд биологик экспертизасида терговчи томонидан қарор тайинлашда мақсадга мувофиқ эксперт олдига ҳал этиш учун қуйидаги саволлар қўйилади:

1. Ашёвий далилларда қон мавжудми?
2. Агар қон мавжуд бўлса, унинг тур мансублигини аниқлансин.
3. Агар ашёвий далилларда одам қони бўлса, у қон қайси гуруҳга мансуб?
4. Жабрланувчи ва гумонланувчи (айбланувчи) нинг қони қайси гуруҳга мансуб?
5. Ашёвий далиллардаги қон доғлари кимга тегишли бўлиши мумкин?

Шу сабабли иш бўйича ўтувчи шахсларнинг қон наъмуналарини тақдим этилиш лозим бўлади.



Сперма текширувлари ҳам қон доғларининг текширув босқичлари каби жараёнлардан ўтади. Яъни ҳодиса содир бўлган жойда доғларни аниқлаш, улар олиш, қадоклаш ва суд-биологик лабораторияга жўнатиш, ўз навбатида суд-биологик текширувлардан ўтказиш ва текширув натижаларини тегишли ҳужжатларни билан расмийлаштириш керак бўлади.

Текширув объектлари ҳар хил бўлиб, улар кўпчилик ҳолларда жабрланувчи ва айбланувчининг кийимлари, суртмалар, воқеа содир бўлган жойдаги ашёвий далиллар ҳисобланади.

Сперма суд тиббий текширувлари жараёнида эксперт қуйидаги саволларга жавоб бериши лозим бўлади:

1. Такдим этилган текширув объектларида сперма мавжудми?
2. Агар сперма мавжуд бўлса, гуруҳий мансублиги қанақа?
3. Сперманинг ким тегишли эканлиги аниқлансин?

Демак кўпчилик ҳолатларда қон ва сперма доғлари текширилади. Зарурият туғилганда бошқа инсон ажралмалари билан бир қаторда юмшоқ тўқима ва суяк қолдиқлари ҳам текширилади.

Сўлак излари тамаки қолдиқлари, почта маркаси, конвертлар, жабрланувчининг йиртилган кийимларида, овқат қолдиқлари ва бошқаларда қолиши мумкин. Ультрарафинаш нурлари таъсирида сўлак кучсиз оқимтир-кўкиш шулаланади. Оёқ ва қўл бармоқлари тер ва ёғ безлари излари тўлиқ, суртма кўринишида олинади. Аёллар жинсий аъзолари ажралмалари гумонланувчи кийим ва таналарида бўлиши мумкин. Мазкур ажралмалар мавжудлиги, уларнинг тур ва гуруҳий мансублиги аниқланилади. Ундан ташқари қисмларга ажратилган мурда юмшоқ ва суяк тўқималари, бармоқ, қўл қафт ва оёқ панжа соҳалари бўлиши мумкин. Тана қисмларини (тоғай, тери, суяк ва бошқалар) текшириб, уларнинг қайси жинсга мансублигини ҳам аниқлаш мумкин.

Ажралмалар мавжудлиги асосан, икки хил усул – морфологик текширув ва биохимик ранг реакциялари билан аниқланилади. Яъни сўлак учун амилаза, сийдик учун креатинин, тер учун аминокислота топилади.

Шундай қилиб, процессуал ҳаракатлар жараёнида, масалан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, қотиллик, номусга тегиш, қриминал аборт, оғир тан жароҳатлари етказилганда, албатта мутахассис жалб қилиш кўпчилик ҳолатларда суд тиббий экспертни жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Амалиёт шуни кўрсатадики, терговчи биологик ажралмаларнинг тўлиқ таҳлилини қилиш кўникмаларига эга эмас, натижада суд тергов муҳокамасига тайёрлашда қатор саволларни муҳокама қилишга тўғри келади.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев Б.С. Использование метода хроматографии для одновременного определения наличия и группы крови в следах: Автореф. дис. ... канд. мед. наук. – М., 1984. – С. 19.
2. Артемов В.Г., Замотин В.А., Киндракина О.К. Наследуемые факторы крови и инфекционные заболевания детей первых семи лет жизни //Журн. микробиол. - 1983. - №4. - С. 89-92.
3. Ахмедов Т.Ж. Қонда А1 ва А2 антигенларни суд тиббиётига оид текширишнинг янги имкониятлари. Автореф. дис. тиббиёт фанлари номзоди. – Т., 2008. – 24б.
4. Дерюгина Е.И. Система АВО человека: АВН – антигены и АВН – антитела // Успехи соврем. биол. - 1990. - Т. 109, вып. 1. - С. 3-20.
5. Джалалов Д.Д., Абдуллаева Б.С. Способ определения группы крови системы АВО для идентификации личности. Авторское свидетельство №1330779 от 15 апреля 1987 г.
6. Методические рекомендации по определению групп крови АВО //Утверждены директором Гематологического научного центра РАМН акад. А.М.Воробьевым. – М., 1999. - С. 17.
7. Axmedov T.J. Qonda A1 va A2 antigenlarni sud tibbiyotiga oid tekshirishning yangi imkoniyatlari. Tipograf MCHJ bosmaxonasi, Тошкент – 2023, 88 бет.
8. Bakhriev, I. I., Khasanova, M. A., Shodiev, G. B., Babaev, K. H. N., & Akhmedov, T. J. (2020). Frequency of haptoglobin phenotypes and pathological changes of the liver during poisoning by drugs on the background of alcohol intoxication. *European Journal of Molecular and Clinical Medicine*, 7(2), 2483-2487.
9. New method of blood typing using analytical magnetapheresis / H.Y. Tsai, C. Yin, Y.P. Lin, C.B. Fuh // *J. Chromatogr. A*. - 2006. - №1. - P. 35-37.
10. Vyacheslav, P., Ibrahim, B., Beruniy, C., Mukarram, H., & Tulkin, A. (2019). Use of formalin as an immunostimulant in animal immunization to produce specific serum precursors.
11. Xikmatullaev, R. Z., Baxriev, I. I., To'liqin, J. A., & Ibragimov, S. R. (2023). BO 'LAJAK SHIFOKORNI TARBIYALASHNING G 'OYAVIY-SIYOSIY BIRLIGI. *Journal of Innovation, Creativity and Art*, 112-115.
12. Ахмедов, Т. Ж., Ешмуратов, Б. А., & Бахриев, И. И. (2023). АФФИН ХРОМАТОГРАФИЯ УСУЛИДА А АНТИГЕНИНИНГ ГУРУХЧАЛАРИНИ АНИКЛАШ.